

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”
Малака ошириш тармоқ маркази
директори
Доц. Баймаков С.Р.**

“ ___ ” _____ 2015 йил

**“Янги асбоб – ускуналар ва жихозлардан фойдаланиш”
МОДУЛИ БУЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТУЗУВЧИ:

**ДОЦ. О.Т.АЛЯВИЯ
КАТ.ЎҚИТ. С.П.ГУЛЯМОВА**

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
КАЛЕНДАР РЕЖА	9
МАЪРУЗА МАТНИ	10
1-МАВЗУ. Нормал физиология курсининг ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари	10
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	15
ГЛОССАРИЙ	21

ИШЧИ ДАСТУР

Мақсади: мазкур модул ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни киритишга асосланган. Ўқув жараёнида қўлланадиган барча замонавий инновацион технологияларни ўрганиб олиш. Замонавий талаблар асосида янги технологияларни ўқув жараёнида қўллаб нормал физиология фани бўйича ўқитувчиларни квалификациясини ошириш.

Вазифалари:

– мультимедиа-технологияларининг асосий мақсади – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар билан таъминланган дастурий маҳсулотларни яратишдан иборатдир.

– жамиятни ахбортлаштиришнинг кўзга кўринган тенденцияларидан бири мультимедиа технологияларини ривожлантириш ҳисобланиб, уларни ҳаётнинг турли қатламларига кириб қилиши (фан, таълим) билан боғлиқ.

– ўқув жараёнида эса мультимедиаалардан фойдаланиш жуда катта самара беради. Чунки бу технология ўқув жараёнини ҳам товуш, ҳам тасвир (расм ёки видео) билан бойитиб, ҳар қандай тингловчини ўзига тортибгина қолмай, балки эслаб қолиш самарадорлигини 85-90% гача оширади. Айниқса анимацияларнинг ўқув жараёнидаги ахамияти жуда ҳам катта.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Янги асбоб – ускуналар ва жихозлардан фойдаланиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

– мультимедиа аппарат воситаларига бўлган қуйидаги талабларни билишлари керак:

– аудио (нутқли) ва видеокиритиш ва ахборотни чиқариш қурилмалари;

– юқорисифатли товуш ва видео платалар;

– видеомагнитофон ёки видеокамерадан тасвирни ўқийдиган ва ўша маълумотларни компьютерга киритадиган платалар яъни видеограбберлар;

- юкорисифатли акустик ва тасвирни қайта тиклайдиган тизимлар. Бу тизимлар усилитель, товушли колонкалар, катта ҳажмли видеоэкранлар билан таъминланган бўлади;
- сканерлар (чунки улар автоматик равишда компьютерга печатланган матн ва расмларни киритиш имконига эга);
- юкорисифатли принтер ва плоттерлар;
- проекторлар;
- интерактив доскалар;
- катта ҳажмга эга бўлган оптик ва рақамли видеодисклар.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Тиббиёт фанларнинг дидактик таъминоти”, “Тиббиёт фанларни ўқитишда инновациялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			жумладан				
			жами	Назарий	Амалий машғулот		

1.	Нормал физиология курсининг ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари	2	2	2			
2.	Тиббий биологик фанларда УАШ ни замонавий ўқитиш технологиялари – интерфаол усуллари	4	4		4		
3.	Машғулотларни оптималлаштириш, тажриба алмашилиш.	2	2			2	
4.	Тиббий биологик фанларда ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари	2					2
	Жами:	10	8	2	4	2	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Нормал физиология курсининг ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари (2 соат)

Режа:

1. Мультимедиа технологиялари ёрдамида интерфаол усулларни ўқитиш жараёнига киритиш.
2. Маъруза ва амалиёт машғулотларида ММ дастурларини қўллаш
3. “Виртуал физиология” ММ дастурини қўллаш.
4. “Амалиёт физиологияси” ММ дастурини қўллаш.
5. “Віорас” аппаратини қўллаш.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида. “Мультимедиа” ва “технология” тушунчалари: тавсифи, ўзаро алоқадорлиги ва фарқли жиҳатлари. “Виртуал физиология”, “Амалиёт физиологияси” ММ дастури ва “Віорас” аппарати” ҳақида ахборот.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тиббий биологик фанларда УАШ ни замонавий ўқитиш технологиялари – интерфаол усуллари (4 соат)

Режа:

1. Гипермедиа элементлари билан танишиш.
2. ММ дастурларини нормал физиология курси бўйича маъруза

дарсларида қўллаш.

3. ММ дастурларини амалиёт машғулотларида қўллаш.

Нормал физиология кафедрасида мультимедиа технологиялари ёрдамида интерфаол усулларни ўқитиш жараёнига киритиш билан таништириш.

КЎЧМА МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Тиббий биологик фанлардаги машғулотларни оптималлаштириш, тажриба алмашиниш.

ТТА хузуридаги ўқув услубий стоматология маркази ташриф буюриш. Марказда амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун қўлланиладиган замонавий асбоб – ускуналар, муляж ва фантомлар билан танишиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

- Замонавий ўқитиш технологиялари. Уларни ўқиш жараёнига жорий қилиш имкониятлари.
- Олий таълимда фаол ўқитиш. Талабаларнинг фикрлашини фаоллаштириш усуллари.
- Информациони аниқ кўрсатиш воситалари – график органайзерлар. Хар хил турдаги органайзерларни ўқув дастурининг хар хил мавзуларидан тузиш.
- Ўқув жараёнидаги мультимедиа технологияларни.
- Электрон дарсликларнинг турлари, уларни яратиш технологиялари ва усуллари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. - Т: 2000. № 69-П.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик Кодекси”. ЎЗР Олий Мажлисининг 29.08.96 й. 257-П-сон Қарорига мувофиқ 1 март 1997 й. эътиборан амалга киритилган.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Адолат, 2004. № 3
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1761-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сон қарори)” 243-сонли қарори.
9. Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012
10. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
11. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.
12. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Деловые игры в учебном процессе кафедры норм.физиологии. Ташкент, 2003. - 36 с.
13. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Положение о проведении OSCE и контрольные задания к нему для студентов отделения «Высшее медсестринское дело»//ж-л «Высшее медсестринское дело», Санкт-Петербург, 2003. - С.28-30.
14. Атаханов Ш.Э. Требование к составлению рабочей учебной программы (бакалавриат). Метод.указания. Ташкент, 2003.- 31 с.
15. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с
16. Габрусевич С.А., Зорин Г.А. От деловой игры — к профессиональному творчеству: Учеб.-метод, пособие.— Минск.: Университетское изд., 1989.— 125 с.
17. Гадаев А.Г., Будкова Е.А. Объективно-структурированный метод оценки клинических знаний студентов. Метод.рекомендации. Ташкент, 2001.- 21 с.
18. Гинзбург Я.С., Коряк Н.М. Социально-психологическое сопровождение деловых игр // Игровое моделирование: Методология и практика.- Новосибирск: Наука, 1987.- С. 61-77.

19. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
20. Даминов Т.О., Гадаев А.Г. Современные методы обучения и контроля знаний в подготовке ВОП. Методическое пособие. Ташкент, 2002. - 49 с.
21. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.
22. Жук А.И., Кашель Н.Н. Деятельностный подход в повышении квалификации: активные методы обучения.— Минск.: Институт повышения квалификации и переподготовки руководящих работников и специалистов образования, 1994.— 96 с.
23. Иноятходжаев Х.У., Иноятходжаев Ж.Ш. Виды электронных учебников, методы и технологии их создания.// Материалы респ. науч.- конф. – Ташкент, 2004.- С.62-63.
24. Каримов Х.Я. Новые педагогические технологии в подготовке ВОП. Метод. рекомендации, Ташкент, 2001.,- .39с.
25. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе, М., Знание, 1989. - 75 с.
26. Комаров В.Ф. Управленческие имитационные игры.— Новосибирск: Наука. Сибирское отделение, 1989.— 272 с.
27. Корнеева Л.И. Современные интерактивные методы обучения в системе повышения квалификации: зарубежный опыт. Университетское управление: практика и анализ. М, 2004; 4 (32). – с. 78-83.
28. Красовский Ю.Д. Мир деловой игры:— М.: Экономика, 1989.— 175 с.
29. Муминов Т.А., Даулетбакова М.И. Инновационные технологии в образовательном процессе медицинских ВУЗов. Алматы, 2003. – 144 с.
30. Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции?// Педагогика, 1997, №3.,- С.20-26.
31. Платов В.Я. Деловые игры: разработка, организация и проведение: Учебник.— М.: Профиздат, 1991.-156 с.
32. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования., М., 2000. – 28 с.
33. Проектирование и планирование педагогических технологий в медицине Учебно-методическое пособие под редакцией проф. Тешаева О.Р. Ташкент.: ТМА, 2010. – 139 с.
34. Психология. Словарь / Под общ. ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского.— 2-е изд., испр. и доп.— М.: Политиздат, 1990.— 494 с.
35. Смит Я., Фарберман Б. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов - Ташкент, 1999. - 150 с.
36. Смолкин А.М. Методы активного обучения: Науч.-метод, пособие.— М.: Высш. Школа, 1991.—176 с.
37. Современные технологии обучения. Итоги и перспективы. /Материалы практ. учебно-метод. конф. I ТашГосМИ и РГМУ, 7-9.01.03г., Ташкент, 2003.- 103с.

38. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Матер.теоретич.семинара, 8-9 апреля 1999г. Ташкент, 1999. - С.82.
39. Фарберман Б.Л. Основы критического мышления: Ташкент, 2002, 33 с.
40. Халматова Б.Т., Информационные технологии и другие новации в организации учебного процесса в медицинском вузе. Ташкент, 2008. – С. 209-210.
41. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Д.П.Хашимова. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. Издание 2-е, дополненное и исправленное. Ташкент, ТГЭУ, 2010. - 115 с.
42. Хруцкий Е.А. Организация проведения деловых игр: Учеб. пособие для преподавателей средних спец. учеб. заведений.- М.: Высш. шк., 1991.- 320 с.
43. Алявия О.Т., Яковенко В.И. Учебное – методическое пособие «Современные образовательные технологии в учебном процессе по дисциплине нормальная физиология», Т., 2011, 47 с.
44. O.T. Alaviya, V.I. Yakovenko, M.U. Shayusupova Modern educational Technology in education for the discipline Normal physiology. Educational-methodical, Handbook, 2013 T., 47 p.p.

Интернет сайтлари

Сайты Интернет по физиологии: <http://www.normphys.chat.ru/metodich.html>; http://www.physiology.ru/price_list.html; http://www.physiology.ru/hb_main.html; http://www.physiology.ru/hb_electron.html.

Календар режа

№	Мавзулар	Машғулоти тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Нормал физиология курсининг ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари	маъруза	2	ойнинг биринчи хафтаси
2.	Тиббий биологик фанларда УАШ ни замонавий ўқитиш технологиялари – интерфаол усуллари	амалий	4	ойнинг иккинчи хафтаси
3.	Машғулотларни оптималлаштириш, тажриба алмашилиш.		2	ойнинг учинчи хафтаси
4.	Тиббий биологик фанларда ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари	Мустақил таълим	2	ойнинг тўртинчи хафтаси

МАЪРУЗА МАТНИ

1-Мавзу: Нормал физиология курсининг ўқув жараёнидаги мультимедиа технологиялари

Режа:

1. Мультимедиа технологиялари ёрдамида интерфаол усулларни ўқитиш жараёнига киритиш.
2. Маъруза ва амалиёт машғулотида ММ дастурларини қўллаш
3. “Виртуал физиология” ММ дастурини қўллаш.
4. “Амалиёт физиологияси” ММ дастурини қўллаш.
5. “Віорас” аппаратини қўллаш.

Таянч иборалар: *виртуал физиология, амалиёт физиология, Віорас, пульсоксиметр, тредмил, аудиометр, капилляроскоп, ПОЗБ, бинокуляр микроскоплар ва электротермометрлар.*

Мультимедиа-технологиялари информатиканинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мультимедиа-технологияларининг асосий мақсади – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар билан таъминланган дастурий маҳсулотларни яратишдан иборатдир.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг кўзга кўринган тенденцияларидан бири мультимедиа технологияларини ривожлантириш ҳисобланиб, уларни ҳаётнинг турли қатламларига кириб қилиши (фан, таълим) билан боғлиқ.

Ўқув жараёнида эса мультимедиадан фойдаланиш жуда катта самара беради. Чунки бу технология ўқув жараёнини ҳам товуш, ҳам тасвир (расм ёки видео) билан бойитиб, ҳар қандай тингловчини ўзига тортибгина қолмай, балки эслаб қолиш самарадорлигини 85-90% гача оширади. Айниқса анимацияларнинг ўқув жараёнидаги ахамияти жуда ҳам катта. Чунки улар ёрдамида инсон кўзи билан кўра олмайдиган жараёнларни тасвирлаб бериш мумкин. Бу эса ўқувчи дарс матнини ўқиб ёки расм ва чизмаларни томоши қилиб тушуна олмаган бирор жараённи ҳаракатлар билан кўрсатиб бериш, шу билан синхрон равишда товушли маълумотни бериш йўли билан тушунтириш самарадорлиги юқори бўлишини таъминлайди.

Мультимедиа технологиялари

1945 йилда америкалик олим Ваннивер Буш "MEMEX" номли хотирани ташқил қилиш гоясини таклиф қилган, бу эса мультимедиа технологияларини ривожланишининг ғоявий сабаби бўлди. "MEMEX" номли хотиранинг асосий гояси шундан иборатки, ахборот белгилар, номерлар, индекслар ёки алфавит тартиби бўйича эмас, балки мазмунига қараб кидирилади. "MEMEX" номли хотиранинг асосида гиперматн ва гипермедиа тизимлари яратилган. **Гиперматн** деганда бу матнли маълумотлар билан ишлаш тизими деб тушунилади. **Гипермедиа** тизими - бу графика, товуш, видео ва анимация билан биргаликда

ишлаш системаси деб хисобланади. Гиперматн ва гипермедиа тизимларининг биргаликдаги ривожланиши мультимедиа йўналишининг келиб чиқишига олиб келди.

80 – йиллар охирида америкалик компьютер мутахассиси Билл Гейтснинг "National Art Gallery of London"- «Лондоннинг миллий санъат галереяси» номли дастурий маҳсулотини биринчи булиб яратган. Бу мультимедиа дастурини яратишда турли муҳитлардан – тасвир, товуш, анимация, гиперматн ва гипермедиа тизимларидан фойдаланилган.

Мультимедиа технологияларининг асосий афзалликлари ва хусусиятларига қуйидагилар тегишли:

➤ битта ахборот ташувчисида катта ҳажмли турли маълумотларни сақлаш имконияти (20 та томга яқин матнлар, 2000 ва ундан хам кўп юқори сифатли тасвирлар, 30 – 45 минутли видеоёзувлар, 7 соатга тенг товуш маълумотлари);

➤ экранда тасвирни ёки унинг айрим фрагментларини катталаштириш имконияти. ("лупа» режими). Тасвирни сифатини сақлаб қолган ҳолда 20 маротабагача катталаштириш мумкин. Бу имкониятдан тарихий хужжатлар ва санъат асарларини презентация қилганда фойдаланиш мумкин;

➤ тасвирларни таққослаш ва турли дастурий воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш;

➤ матнлар ёки турли кўргазмали материалларда керакли жойларни белгилаш ва улар ёрдамида бошқа тушунтирувчи маълумотга эга бўлиш (гипермедиа ва гиперматн технологияси);

➤ Internet глобал тармоғига уланиш имконияти.

Мультимедиа имкониятлари

Мультимедиа — бу компьютер технологияларининг соҳаси. У турли (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео) кўринишдаги ахборот билан боғлиқ. Бунда маълумот турли ахборот ташувчиларида мавжуд бўлиши мумкин (магнит ва оптик дисклар).

(multi – куп, media — муҳит деб таржима қилинади) Мультимедиа воситалари аппарат ва дастурий воситаларга булинади.

Мультимедиа аппарат воситаларига қуйидагилар тегишли:

-аудио (нуткли) ва видеокиритиш ва ахборотни чиқариш қурилмалари;

- юқорисифатли товуш ва видео платалар;
- видеомагнитофон ёки видеокамерадан тасвирни ўқийдиган ва ўша маълумотларни компьютерга киритадиган платалар яъни видеограбберлар
- юқорисифатли акустик ва тасвирни қайта тиклайдиган тизимлар. Бу тизимлар усилитель, товушли колонкалар, катта ҳажмли видеоэкранлар билан таъминланган бўлади;
- сканерлар (чунки улар автоматик равишда компьютерга печатланган матн ва расмларни киритиш имконига эга;
- юқорисифатли принтер ва плоттерлар.
- Проекторлар
- Интерактив доскалар
- Катта ҳажмга эга бўлган оптик ва рақамли видеодисклар

Электрон дарсликларнинг турлари ва уларни яратиш технологиялари

Замонавий таълим тараққиёти шундай имкониятлар ёрдамида яратилган компьютер пакетларидан ташқил топиши мумкин, уйда шахсий компьютерларда, мустақил ишлаш учун жиҳозланган олийгоҳларда, компьютер синфларида, ётоқхоналарда, махсулаштирилган малакавий аудиторияларда фойдаланишимиз мумкин.

Электрон ўқув қўлланма - ўқув адабиётининг янги жанри.

Электрон ўқув қўлланма (ҳатто энг зўр) китоб шаклига алмаштириш шарт ҳам, керак ҳам эмас. Экрانشтирилган ўқув адабиётининг бу жанри мутлоқо янгидир. Китобни худди фильм томоша қилгандек тушуниш мумкин. Бу жанрни янгилаш ҳам осон, ҳам қулай бўлиб, қидириш тизимига эга. У ўзида бой маълумотлар видео, картинка, маълумотномалар, матнлар жой олган.

Электрон ўқув қўлланма максимал даражада тушуниш ва тушунтирилишга эга бўлиши, инсон мияси, онгига нафақат эшитиш балки кўриш орқали етиб бориши, компьютер тушунтиришидан фойдаланиш керак.

Ташқил қилувчи матнлар ҳажми чегараланган бўлиши керак.

Электрон дастурнинг мақсади - ўқув материални ҳамма ютуқларини сақлаб қолиш эмас, балки компьютер орқали тасвир учун кўрғазмаларни танлаш. Тасвирий материал тури ва сони қайси тартибда танланади.

Бизнингча, ўқув матни тушунилиши қийин жойида тасвир киритилади, кўшимча кўрғазмали тасвир орқали мавзувий-мазмуний блокларининг уйғунлашиши ва тартиблашиши учун. Компьютер технология электрон дастурга ҳамма ахборотни сиғдириш мақсади қўйилмайди. Бу ўқувчини матн парчасини ўрганишдан чалғитади.

Талабага беқиёс озодлик бериш ҳавфли. Расмдан луғатга, бошқа гиперматнга кўчиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, уни озодликдан маҳрум этиш ҳам керак эмас. Онгли келишув зарур ўқитиш усулидаги бир чизиқлик ёки модуллик яратилиши керак.

Гиперматнда ҳаракатли расмлар кўплиги, динамикаси бир чизиқлик билим олишни сусайтиради, бу анимация тўлиқ билим олишга ҳалақит беради.

Бир мавзуда нечта тасвир бўлиши керак?

Бу назарий ўқув дастурининг мазмуни ва характерига боғлиқ.

Кўрғазмаларга бой бетлар ёки электрон матнлар кераклими?

Бир марта тасвир кўриб, кўп марта электрон матнни ўқигандан яхшироқ.

Мисол учун сиз юмуқ кўз билан нотаниш хонага кириб, ёнингиздагидан хонани тасвирлашни сўрайсиз, унга 3-5 секунд ичида кўргани маъқул. Хонани тасвир воситаси орқали қандай тасаввур этса бўлади? Тасвир сони ва бети аниқ белгиланмайди, қуйидаги факторлари асосланади:

- Ўқув матнини мазмуни ва характерига кўра;
- Ўқув услубига кўра;
- Ўқув муассасасига кўра.

Кўрғазмали воситалар асосида ўқитиш таснифи. Мазмун ва характери бўйича тасниф 3 гуруҳга бўлинади:

1. Тасвирли кўрғазмалиликка:

- расмлар репродукцияси;
- архитектура ва ҳайкатарошлик фоторепродукцияси;
- ўқув матнлар учун яратилган ўқув расмлар;
- раем ва аппликациялар;
- видеопарчалар;
- аудиопарчалар;
- видеофильмлар киради.

2. Шартли-чизмали кўргазмалиликка:

- жадваллар;
- схемалар;
- блок-схемалар;
- диаграммалар;
- графиклар;
- хариталар;
- планшетлар киради.

3. Предметли кўрсатмалиликка:

- мўзей экспонатлари;
- макетлар;
- моделлар.

Ахборотни кўз одига келтириш деб англаш жараёнига ёки кўз, ёки кулоқ, ёки бараварига иккаласи ёки ҳиссиётларни улашдир. Ўқув дастурини англаш унинг кўз олдига келтиришдан бошланади. Шунинг учун барча сезги органлари ишга тушади, шу туфайли тез ва осон ўқув матнини ўзлаштирилади. Тасвирий материал бўлиши кам, у тушунарли ва ўзаро боғланган, актуал бўлиши керак. Бунда тасвир воситаларидан фойдаланади.

Яхши жиҳозланган ўқув матни умумий ҳолатга ижобий таъсир этади. Ранга кизиқиш ошади. Диққат ва фаолият уйғуннашади, кўзатувчанлик ва сезгирлик ошади, хотира тайерланади, фикрлаш жараёни енгиллашади, ўқув материали ўзлаштирилади.

Электрон ўқув қўлланмани услубий таъминлаш.

Агар электрон ўқув қўлланмани яратишда методик маълумотларни қайта ишлаш кўзатилмаса, ЭЎҚ қўлланма сифатидай ишлатилмайди. Замонавий ўқув маълумотларни янгиллаштириш учун ҳаммага бир хил доступ бўлиши керак. Лекин домлалар янги технология билан ишлашга ҳали унча тайёр эмас. Чунки бу янги технология яратилиши билан ўқув дастурларни, маърузаларни, амалиш ишларни ўзгартирилиши керак.

Услубий таъминлашнинг аҳамияти.

Агар бу методикани қўлласак ҳамма уйларда, хоналарда, аудиторияларда, ётоқхонада бўлиши керак. Лекин бизда ҳозирча бундай шароит йўқ. Компьютер орқали таълим олиш учун нафақат ҳаммада компьютер бўлиши компьютер яхши ишлашига ҳам шарт. Шу қўлланмани ишлатиш давомида фақат компьютердан ишламаслик керак, уй вазифаларни (масалан: математика фанидан мисол, масалаларни ечишни қўлда ечиш керак,) чунки тайёр дастурлар компьютерда бор. Компьютер талабани ялқовликка олиб келади. Лекин компьютер билан ишлаш ҳам осон ҳам вақт кам олади.

Кафедрада ўқитишда мультимедиа технологиялари

- “Амалий физиологияси” амалий машғулотлар учун мультимедиа ўқув дастури, 2007 й., ўзбек ва рус тилларида.
- “Виртуал физиология” компьютер мультимедиа дастури, 2012 й., инглиз ва рус тилларида.
- Нормал физиологиядан электрон дарсликларни (мураккаблиги IV даражали, ҳажми 256мб) имкониятларини намойиши, 2005 й. ўзбек ва рус тилларида.
- “Нормал физиология” курси бўйича ўқиладиган мультимедиа маърузалари.
- Фан бўйича видеофильмлар.
- Амалий кўникмаларни ўзлаштириш бўйича видеофильмлар.
- Якуний тестлаш бўйича дастурлар.
- Internetдан анимациялар (инглиз ва рус тилларида)

Кафедрада ишлатиладиган замонавий клиник аппаратларининг намойиши.

“Віорас” аппаратининг намойиши. Талабалар учун 17 та клиник физиология машғулотлари бўйича ўргатувчи компьютер дастури.

Кафедрада намоиш қилинадиган замонавий клиник аппаратлар, тарқатма материаллар ва ўқитувчи кейси намойиши.

- Замонавий клиник асбоблар: пульсоксиметр, тредмил, аудиометр, капиллярскоп, ПОЗБ, бинокуляр микроскоплар, электротермометрлар и т.д.
- Амалий машғулотлар ва ТМИ учун тарқатма материаллар.
- Ўқитувчи кейси, унинг таркиби ва функционал аҳамиятини.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мультимедиа технологиялари, уларнинг имкониятлари нимадан иборат?
2. Методик материалларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Кафедранинг ўқув - услубий комплекси ва унинг таркиби?
4. Янги педагогик технологиялар нимадан иборат?
5. Амалий машғулотлар ўтказиш учун янги технологиялар структураси қандай?
6. Қандай таълим жараёнини оптималлаштириш усуллари бор?
7. Амалий кўникмаларни қадам-бақадам бажарилиш учун методик тавсияномалар структураси нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
2. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.
3. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
4. Жук А.И., Кашель Н.Н. Деятельностный подход в повышении квалификации: активные методы обучения.— Минск.: Институт повышения квалификации и переподготовки руководящих работников и специалистов образования, 1994.— 96 с.
5. Муминов Т.А., Даулетбакова М.И. Инновационные технологии в образовательном процессе медицинских ВУЗов. Алматы, 2003. – 144 с.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўқитиш методларини танлаш нималарга боғлиқ?
 - А) Машғулоти тури ва типига;
 - В) Машғулоти мавзусига;
 - С) Ўқув материалларининг мантиқий йўналиши, мазмуни ва мустақил иш характерига;
 - Д) Ўқитувчи билимига;
 - Е) Ўқувчи билимига.

2. Ўқув материални танлашда қайси принципга риоя қилинади?
 - А) Осондан бошлаш лозим;
 - В) Талабаларга фақат осон мавзуларни ўқиш керак;
 - С) Ўқув материални соддадан-мураккабга томон ривожлантириб бориш;
 - Д) Ўқув материалларининг мукамаллигини таъминлаш;
 - Е) Қийинидан бошлаш лозим.

3. Ўқитиш жараёнида назоратнинг ривожлантирувчи функциясини топинг:
 - А) Талабаларда барқарор диққатни вужудга келтириш;
 - В) Хотирани мустаҳкамлаш;
 - С) Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш;
 - Д) Ҳамма жавоблар тўғри;
 - Е) Ўз-ўзини назорат қилиш.

4. Дарс жараёнида янги билимларни беришда асосий ўрини нима?
 - А) Лаборатория;
 - В) Янги мавзу баёни;

- C) Муस्ताқил иш;
- D) Такрорлаш;
- E) Амалий иш.

5. Масофадан ўқитиш қандай амалга оширилади?

- A) Ўқув адабиётлари орқали;
- B) Коммуникацион технологиялар орқали;
- C) Компьютер техникаси орқали
- D) Тьюторлар ёрдамида;
- E) Ўқув қўлланмалари орқали.

6. Кўникма нима?

- A) Шахснинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга тайёрлиги;
- B) Турли хилдаги мураккаб фаолиятни бажаришга тайёргарлик;
- C) Маълум иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини тушуниш ва бундай ҳаракатларнинг бажарилиши тартиби билан танишиш;
- D) Узоқ вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган кишининг анланган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулидир;
- E) Турли хилдаги мураккаб фаолиятни бажарилишини кўзатиш.

7. Малака нима?

- A) Маълум иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини тушуниш ва бундай ҳаракатларнинг бажарилиши тартиби билан танишиш;
- B) Узоқ вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган ишининг анланган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулидир;
- C) Шахснинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга тайёрлиги;
- D) Кишининг амалда қўллаши мумкин бўлган билимларидир;
- E) Кишининг амалда қўллаши мумкин бўлган назарий билимларидир.

8. Глоссарий нима?

- A) Муайян мавзуга оид атамаларни қамраб олган кичик ҳажмли луғат;
- B) Энциклопедик луғат;
- C) Педагогик технология талаблари асосида ишланган атамалар луғати;
- D) Муайян дарслик ёки қўлланма мазмунига оид атамалар рўйхати;
- E) Барча мавзуга оид атамаларни қамраб олган катта ҳажмли луғат.

9. Ўз-ўзини тарбиялаш метод ва усулларига қуйидагилар киради:

- A) Экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик, ҳамкорликдаги ижодкорлик;
- B) Ўз-ўзига кўрсатма бериш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш;
- C) Ўз-ўзини бошқариш, талаба шахсини тушуниш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши, муомалада ўзини кўрсата олиш;
- D) ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши, муомалада ўзини кўрсата олиш, ўз нутқини

тўғри туза олиш ва бошқалар;
Е) ўз нутқини тўғри туза олиш.

10. Педагогик жараённинг вазифаси нималардан иборат?

- А) Билим, кўникма, малака ҳосил қилиш;
- В) Ўқув фанларни мазмунини ўзлаштириб олиш;
- С) Билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш;
- Д) Билиш фаолиятини ривожлантириш;
- Е) ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш.

11. Ўқув қўлланмасининг дарсликдан фарқ қилувчи жиҳатини топинг:

- А) Муайян мавзуларни дарсликка нисбатан кенгроқ ёритади;
- В) Улар ўртасида фарқ бўлмайди;
- С) Дарсликнинг дастлабки нусхаси;
- Д) Ўқув қўлланма маърузалар матнидан иборат;
- Е) Муайян мавзуларни дарсликка нисбатан камроқ ёритади.

12. Олий таълим учун тайёрланадиган электрон дарсликка қўйиладиган талабларни топинг:

- А) Чуқур илмий услубий, юқори сифат ва миқдор кўрсаткичда бўлиши;
- В) Компьютер технологиясига асосланиши, мустақил таълим олишга йўналтирилган, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиши;
- С) Ҳар бир машғулотнинг мақсади, мазмуни, амалий машғулотлар, қисқача топшириқлар ва тавсиялар берилган бўлиши;
- Д) Айрим мавзуларнинг мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи билим олишга қаратилган, назарий ва амалий саволлар, таянч атама ва иборалардан иборат бўлиши;
- Е) Мустақил таълим олишга йўналтирилган, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиши.

13. Олий таълим учун тайёрланадиган маърузалар тўпламига қўйиладиган талабларни топинг:

- А) Чуқур илмий услубий, юқори сифат ва миқдор кўрсаткичда бўлиши;
- В) Компьютер технологиясига асосланган ўқув-услубий қўлланма, топшириқлар ва тавсиялар берилган бўлиши;
- С) Илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган;
- Д) Айрим мавзуларнинг мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи билим олишга қаратилган, назарий ва амалий саволлар, таянч атама ва иборалардан иборат бўлиши;
- Е) Мустақил таълим олишга, фанга доир ўқув материали.

14. Интерфаол маъносини англатади. Нуқталар ўрнида қолдирилган сўзни топинг:

- A) Кичик гуруҳларга ажратиш;
- B) Гуруҳларда таълим олиш;
- C) Таълим олиш учун ўзаро ҳаракат қилиш;
- D) Баҳслашиш;
- E) Ишларни мустақил бажариш.

15. Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотларининг асосий турлари қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?

- A) Маъруза, семинар, Амалий машғулот, Лаборатория машғулоти, Мустақил иш;*
- B) Маъруза, семинар, Амалий машғулот;
- C) Маъруза, семинар, Мустақил иш, Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- D) Лаборатория машғулоти, Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- E) Театр, музей, кўргазмаларга экскурсия.

16. Дарснинг технологик харитаси нима учун хизмат қилади?

- A) Ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда унга тақсимланган вақт меъёрини ҳар бир босқич бўйича тўғри белгилаш;
- B) Машғулотни меъёрида ташкил этиш;
- C) Талабалар фаолиятини фаоллаштириш;
- D) Вақт меъёрини белгилаш, билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур ҳажмни шакллантириш;
- E) Билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун.

17. Лаборатория машғулотларининг тавсифи келтирилган жавобни белгиланг:

- A) Талабалар мустақил равишда вазифаларни бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар;
- B) Тематик боғланган мунтазам курс чуқур ўрганилади;
- C) Талабалар мустақил амалий ишларни бажаради;
- D) Билимларни мустақил ўзлаштиради;
- E) Назарий билимларни мустақил ўзлаштиради.

18. Ўқитиш методикаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Бу педагогик технологияга асосланган ўқитиш усули;
- B) Хусусий дидактик ёки таълимнинг хусусий назариясини ўзида намоён этадиган педагогика фанининг тармоғидир;
- C) Бу педагогик технологияга асосланмаган ўқитиш усули;
- D) Бу ўқитувчининг режа асосида иш юритиши;
- E) Бу компьютер технологияга асосланган ўқитиш усули.

19. “Педагогик маҳорат” тушунчаси қайси жавобда тўғри берилган?

- A) Муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси;
- B) Ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади;
- C) Педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш ҳаракатга келтира олиш,

педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари таҳлили;

D) Ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан ҳоли эркин равишда узатишига эришишни кўзлаган рухий таъсир этиш усули;

E) Ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида мустақил иш бажарилади.

20. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Талабага бевосита эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;

B) Талабага тўғри муомала қила олиш, уларга яқин бўлиш, улар билан педагогик самарали ҳамкорлик ўрната билиш қобилияти;

C) Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш;

D) Муомали маданиятига эга бўлиш, талабаларни тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш;

E) Имо- ишора воситасида ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти.

21. Машғулотнинг анъанавий методларини кўрсатинг?

A) Оғзаки кўргазмалар, ўз-ўзини назорат қилиш методлари;

B) Кўргазмалар, мантикий, оммавий методлари;

C) Оғзаки кўргазмалар, оммавий, мантикий, мустақил ишлаш, назорат методлари;

D) Мантикий, ўз-ўзини назорат қилиш методлари, мустақил таълим олиш;

E) Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

22. Машғулот мақсади қандай йўналишларда белгиланади:

A) 3 йўналишда: таълимий, эстетик, иқтисодий;

B) 3 йўналишда: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи;

C) 2 йўналишда: эстетик, таълимий;

D) 3 йўналишда: таълимий ва тарбиявий, ривожлантирувчи, иқтисодий;

E) 1 йўналишда: таълимий;

23. Ўқитиш шакллари тўлиқ берилган жавобни топинг:

A) Маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотлари, мустақил таълим, амалиёт;

B) Машғулот, турли саёхатлар, синфдан ташқари машғулотлар, ҳикоя;

C) Машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, гуруҳда ўтказиладиган машғулот шакллари;

D) Машғулотдан ташқари ишлар, экскурсия, синфдан ташқари машғулотлар;

E) Турли саёхатлар, индивидуал машғулот шакллари.

24. Давлат таълим стандарти талаблари асосида фаолият юритиш қандай таълим муассасалари учун мажбурийдир?

A) Давлат таълим муассасалари учун;

B) Нодавлат таълим муассасалари учун;

C) Ўзбекистон Республикасидаги барча таълим муассасалари учун;

D) Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тасарруфидаги

таълим муассасалари учун;

Е) Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус таълим муассасалари учун.

25. Берилган жавоблардан авторитар шаклга тегишли жавобни аниқланг:

А) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади, аммо талабчанликни сусайтиради;

В) Ўқитувчи ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўяди синфни ўқитувчи эмас, ўқувчилар ўз истаганларича бошқарадилар;

С) Ўқитувчи ўқувчиларни қаттиққўллик билан уларга мустақиллик бермасдан бошқаради;

Д) Мавқеига кўра ўзаро ҳамкорликка, мурасасозликка, барчанинг тенг кучли бошқарувига асосланган;

Е) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади.

26. Таълим технологияси турларини белгиланг?

А) Муоммалар, шахсга йуналтирилган, масофавий, модули;

В) Назарий, амалий, аралаш, мустаҳкамлаш;

С) Ноанъанавий, анъанавий, мустаҳкамлаш;

Д) Аралаш, маъруза, масофавий, назарий;

Е) Назарий, амалий, мустаҳкамлаш.

27. Мотив нима?

А) Эҳтиёжни қондиришга мойил предмет;

В) Англалмаган хатти-ҳаракат истаги, ҳаракатнинг айрим қисмлари;

С) Узоқ мақсадлар билан боғлиқ бўлмаган бирон мақсад;

Д) Англаingan ёки англалмаган иш ҳаракат бўлиб, бирон эҳтиёжнинг субъектив ифодасини билдиради;

Е) Ниҳоятда аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш даражасини ифодалайди.

28. Мулоқот нима?

А) Шахснинг муҳим эҳтиёжи;

В) Киши турмуш тарзининг фаолиятдан кам бўлмаган бир томони;

С) Кишининг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш шакли;

Д) Икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ахборот алмашишдаги ўзаро таъсиридир;

Е) Эҳтиёжни қондиришга кишининг бошқа одамлар билан ўзаро муносабати;

29. Адаптация нима?

А) Сизги аъзоларининг қўзғовчиларга мослашишидир;

В) Қўзғовчи таъсири остида сезгиларнинг ўзгариши;

С) Кучли қўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг заифлашиши;

Д) Янги шароитларга кўникишни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар;

Е) Кучли қўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг ошиши.

30. Темперамент нима?

- А) Психологиянинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда аниқ бажарилиши;
- В) Теварак атрофдаги одамларга ва ҳаёт шароитига бўлган муносабатларининг яқка хусусиятлари намоён бўлади;
- С) Одамнинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлиб, унинг хаяжонларида, эмоционал таассуротларида, мувозанатлилигида ва психик фаолиятининг тезлигида намоён бўлади;
- Д) Одамнинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлиб, унинг жонлилиги ва чакқонлигида намоён бўлади;
- Е) Ҳаракатнинг тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди.

ГЛОССАРИЙ

1. **“Віорас”** – клиник физиологик текширувларни амалга оширадиган лаборатор комплекс.
2. **Тридмилл** – жисмоний юкламаларни аниқлайдиган асбоб
3. **Педагогик технология** – таълимнинг режалаштирилган натижалари ютуқларининг жараёларини таърифлаш.
4. **Вазият масала** – маълум шароитларда топширилган мақсад.
5. **Музокара** - Аниқ охиригача тинглаб, икки томонлама фикр алмашиниш.
6. **Иш ўйинлари** - Профессинал фаолиятининг фан мазмунини тиклаш ва муносабатлар тизимини моделлаштириш шакли.
7. **Дискуссиялар** - Қайсидир саволни муҳокама қилиш, ҳамма иштироқчилар билан тўғри қарорни қабул қилиш.
8. **Кейс – стади** - Конкрет вазият, тўплам, ўқитиш.
9. **ЭССЕ** - Авторнинг индивидуал позицияси ёрдамида эркин баён қилиш.
10. **Реферат** - Бир ёки бир нечта манбалардаги маъно мавкураларни қисқа ёзилиши.
11. **Мустақил иш** – талабаларни репродуктив, продуктив фаолияти билимларини ўзлаштириш ва кўллаш мақсадида хар ҳил топшириқларни бажарилиши.
12. **Методик тавсиянома** – амалий (семинар) ва бошқа дарсларни кетма кетлик босқичларини ёзилиши.

13. **Технология** – маълум бир ишда, махоратда қўлланиладиган услубларнинг мажмуаси.

14. **УАШ** – умумий амалиёт шифокори.